

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати Йўл харакати хавфсизлиги бошқармаси хузуридаги махсус эксплуатация бўлими, танлов комиссияси тарафидан

А.П.Жумаев  
2022 йил



### Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ Бухоро – 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома.

II. Техник қисм.

III. Нархлар қисми

#### I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома

##### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1. Танлов предмети: Бухоро вилояти ИИБ ЖXX ЙXXБ хузуридаги махсус эксплуатация бўлимига керакли булган Боллард статсион йўл блоки харид килиш.

1.2. Танлов қиймати **210 000 000** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида келтирилган.

Ушбу танлов якуплари бўйича галиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.5 Махсулотни олиб келиш муддати - аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

##### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Бухоро вилояти ИИБ ЖХХ ЙҲҲБ ҳузуридаги маҳсус экплуатация бўлими (бундан кейин ”Буюртмачи“ деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

”Буюртмачи“ манзили: Бухоро шаҳар Гиждувон кучаси 1/1 уй

2.2. Танлов “Буюрмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Бухоро вилояти ИИБ ЖХХ ЙҲҲБ ҳузуридаги маҳсус эксплуатация бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

- Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукуқий лаёқати ва ваколатлар;

- Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 % фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағлар миқдори.

Молиявий натижалар;

Ишчи ходимларнинг иш стажи ва маҳсус лицензияга эга эканлиги

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бопқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб талаб этилади:

##### **Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:**

\* Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

\* Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларини яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хуқуқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.**

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириш мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси ийғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниглаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. Бошқа шартлар**

7.1 . Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч қун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот узайтирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгатишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур сиров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидаги маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидаги танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ички ишлар бошкармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати Йўл харакати хавфсизлиги бошкармаси хузуридаги махсус эксплуатация бўлими, танлов комиссияси рагби

А.П.Жумаев  
2022 йил



### ТЕХНИК ВАЗИФА ВА ШАРТЛАР

#### Бухоро вилояти ИИБ ЖXX ЙXXБ хузуридаги махсус эксплуатация бўлими керакли бўлган Боллард статсион йўл блоки харид қилиш бўйича

Ушбу бўлим танлов (конкурс)мавзуларига оид аник коидаларни ва танлов хужжатларининг бошка бўлимларида келтирилган маълумотлардан ёки талабларини ўз ичига олади

№	Бўлим номи	Бўлимлар учун тушинтиришлар
1	Буюртмачи	<b>Бухоро вилояти ИИБ ЖXX ЙXXБ хузуридаги махсус эксплуатация бўлими</b>
2	Танлов мавзуси ёки номи	<b>Боллард статсион йўл блоки харид қилиш</b>
3	Конкурс тартиб раками	№I
4	Буюртмачи манзили	Бухоро шахар Гиждувон кучаси 1/1 уй
5	Алока учун шахс	<b>Бухоро вилояти ИИБ ЖXX ЙXXБ</b> 98 774 39-30,
6	Танлов эълони эълон килинган жой	“Узбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси” АЖ <a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> савдо тизими
7	Иштирокчилар танловда иштирок этишларига рухсат этилади	Юридик шахслар бирлашмалари (консорциумов) танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди.
8	Товар (иш, хизматларнинг нархи)	210 000 000 UZS (Икки юз ўн миллион) сум.
9	Танлов ўтказиладиган жой манзили:	Бухоро шахар Гиждувон кучаси 1/1 уй -Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат

8	Товар (иш, хизматларнинг нархи	<b>210 000 000 UZS (Икки юз ўн миллион) сум.</b>
9	Танлов ўтказиладиган жой манзили:	Бухоро шахар Гиждувон кучаси 1/1 уй
10	Танлов иштирокчиларига кўйиладиган талаблар:	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан руйхатдан ўтган бўлиши шарт.</li> <li>-Шартнома тузиш бўйича қонуний хукуқга эга булиш шарт</li> <li>-Соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича карздорлик йўклиги:</li> <li>-Уларга нисбатан банкротлик таомили буйича маълумотлар</li> <li>-Ноҳалол ижро чиларнинг ягона реестрида улар хақида қайднинг мавжуд эмаслиги.</li> <li>-Иштирокчилар ишларни, товарларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби обьектлар хужжатларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-хукуқий тусдаги ваколатта эга бўлиши керак.</li> <li>-Техник вазифада келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши шарт.</li> <li>-товарлар шартномада келтирилган вактдан кечиктирмаган сифатли холатда буюртмачига етказиб берилиши шарт.</li> <li>- Махсулотга расмий ишлаб чиқарувчининг сертификати мавжудлиги.</li> <li>- Махсулотнинг техник параметрлари ва ишлаб чиқарувчиси курсатилиши керак.</li> <li>- Танлов иштирокчисининг омборида махсулот мавжудлиги.</li> <li>-Танлов иштирокчисининг моддий таъминланганлиги (Танловнинг бошланғич суммасининг камидা 30% маблағига эга бўлиши) ва йиллик маблағ айланмаси.</li> <li>-Танлов иштирокчиси томонидан махсулотларга кафолат бериш ва унинг муддати.</li> </ul>
11	Танлов бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Эълон жойлаштирилган кундан бошлаб <b>5</b> кун мобайнида ва 2 кун мухокамада туриши шарт
12	Танлов вазифаларини расмийлаштиришга доир талаблар:	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Танлов таклифларини расмийлаштиришда танлов иштирокчиси ўз таклифини муҳрланган тўлиқ илова қилиши шарт</li> <li>-Берилган таклифда товар, иш ва хизматларга доир барча маълумотлар акс эттирилган бўлиши шарт.</li> <li>-Умумлаштирилган суммалар инобатга олинмайди.</li> </ul>
13		-Шартнома баҳоси ва ижрочи билан хисоб-китоб Ўзбекистон

	<p>Шартнома баҳосини ва ижрочилар билан хисобкитобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда түлов тартиби ҳақидаги ахборот:</p>	<p>Республикаси Миллий валютаси сўмда амалга оширилади.</p> <p>-Ижрочи шартнома 2 томонлама имзоланиб олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 кунда товар (иш хизмат)ларни топшириши керак. (топшириш банк иш куни) Тулов тартиби:</p> <p><b>Олдиндан аванс (бўнек) 30% тўлов амалга оширилади.</b></p> <p><b>Товар (иш хизмат)лар тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 70% тўлов амалга оширилади.</b></p>
14	Танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги	Ўзбек тили (кирилл ёзуви)
15	Тендер таклифларини қабул қилиш	Таклифлар сайтда эълон қилинган кундан бошлаб электрон тарзда қабул қилинади.
16	Молиялаштириш манбаи:	<a href="https://openbudget.uz/">https://openbudget.uz/</a> порталида таклиф этилган ташабbusлар ичидан ғолиб деб топилган 1000600089 лот учун Халқ депутатлари Бухоро туман кенгашининг 07.10.2022 йилдаги №VI-84-233-7-95-К/22 сонли фармойиши орқали ажратилган маблағ хисобидан

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Бухоро вилояти ИИБ ЖХХ  
ЙХХБ хузуридаги махсус  
эксплуатацияни бўлими  
бошлини А.Д.Жумаев

“ 2022 йил



Бухоро вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ хузуридаги махсус эксплуатация  
бўлими керакли бўлган Боллард статсион йўл блоки харид қилиш  
бўйича

УМУМИЙ ГРАФИГИ

№	Товар, Иш ва хизматлар номланиши	Ишларни бошланиш санаси	Ишларни тутатиш санаси
1	<b>Бухоро вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ хузуридаги махсус эксплуатация бўлими керакли бўлган Боллард статсион йўл блоки харид қилиш бўйича</b>	Олдиндан тўлов амалга оширилган кун	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан сунг 30кун

Бухоро вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ хузуридаги махсус эксплуатация  
бўлими керакли бўлган Боллард статсион йўл блоки харид қилиш  
бўйича

молиялаштириш умумий графиги:

№	Тулов амалга ошириладиган ойлар	Тулов хажми % (фоиз)да
1	Олдиндан аванс (бўнак) 30% тўлов амалга оширилади.(олдиндан тулов)	30%
2	Товар (иш хизмат)лар тўлиқ хажмда бажарилгандан сунг 70% тўлов амалга оширилади. (бажарилган ишга караб)	70%

	караб)	
--	--------	--

## **Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР**

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳакда қуидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали ([@anticorbot](https://t.me/@anticorbot));

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “яrim қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

**Буюртмачи:**